



№ 59/10 - Ў

20 20yil " 11 " июни

**Худудга коронавирус инфекцияси кириб келишининг олдини олиш,
аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб килиш, санитария ва
гигиена қоидаларига амал қилиш борасида кўрилаётган чоралар
натижадорлиги тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда Учтепа туманида бирламчи
тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш
ва янада яхшилаш мақсадида Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумани ҳудудий тибиёт бирлашмаси бошлиги
(М.Дадаходжаева)нинг Худудга коронавирус инфекцияси кириб келишининг
олдини олиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб килиш,
санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш борасида кўрилаётган чоралар
натижадорлиги тўғрисидаги ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман марказий кўп тармоқли ва оиласи
поликлиникаларига:

- аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва
даволаш бўйича алоҳида bemorlar ҳамда бутун оила даражасида тиббий
хизматлар кўрсатиш;

- аҳолига малакали бирламчи, биринчи навбатда касалликларни
профилактика қилиш масалаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш,
туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек
ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган bemorlar
ҳамда ўзгалар кўмагига ва ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ шахслар ўртасида
доимий патронаж ишларини амалга ошириш;

- оиласи тиббий маданиятни ошириш ва хар бир кишининг ўз
саломатлиги ва болалари саломатлиги учун масъулиягини оширишга
йўналтирилган дастурларни амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом
турмуш тарзи асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

- аҳоли ўртасида баркамол соғлом авлодни тарбиялашга, она ва бола
саломатлигини муҳофаза қилишга, тиббий этика ва деонтология, санитария-
гигиена кўнкимлари, оқилона овқатланиш қоидаларига риоя этишга, туғма

патология ва ирсий касалликларни камайтиришга йўналтирилган профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- миллий календарга биноан профилактика эмлашларини ўтказиш йўли билан бошқариладиган инфекциялар ва уларнинг асоратларини профилактика қилиш;

- юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфи омилларини барвакт аниқлаш механизмларини жорий этиш йўли билан ахоли ўртасида касалликка чалиниш, ногиронликни ва барвакт ўлимни профилактика қилиш;

- малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, клиник, биокимёвий лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиш орқали ахолининг бевосита яшаш жойларида профилактик тиббий кўриклар ташкил этиш йўли билан касалликларни барвакт аниқлаш ва уларнинг сурункали касалликларга айланиб кетишига йўл қўймаслик;

- юқумли касалликлар, заҳарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни, биринчирилган участкани ва уй хўжаликларини санитария жиҳатидан хотиржамлиги юзасидан умумий назоратни амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчокларида обсервация тадбирларини ўтказиш, ахолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш ишлари олиб борилсин.


3. Туман ҳокимининг ўринбосари (Б.Мирзаев), туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси (М.Дадаходжаева):

Учтепа туманида соғлиқни саклаш соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича иш фаолиятларини жадаллаштириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш мақсадида қўшимча дастурлар ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқкан ҳолда таъсирчан мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилсин.

Туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича чора тадбирлар ва карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда иш фаолиятини олиб борилиши кучайтирилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши раиси**



Ф.Абдуллаев



№ 60/10 -II

20 20 yil “ 11 ” июня

**Инвестицияни жалб қилиш, инвесторлар учун яратилаётган қулай
шароитлар ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалиётга кенг тадбиқ
этиш борасида кўрилаётган чоралар ҳамда инвестиция дастурларининг
бажарилиш ҳолати тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги
Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон
Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш
мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо
бўлими бошлиғи О.Камиловнинг “Инвеститцияни жалб қилиш, инвесторлар
учун яратилаётган қулай шароитлар ҳамда инвестиция лойиҳаларини
амалиётга кенг тадбиқ этиш борасида кўрилаётган чоралар ҳамда инвестиция
дастурларининг бажарилиш ҳолати тўғрисида”ги хисоботи маълумот учун
қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо
бўлими бошлиғи (О.Камилов), туман ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва
камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари
(А.Хужанов), тегишли тузилма ва ташкилот раҳбарлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги
“Коронавирус пандемияси даврида ахоли, бюджет, базавий инфратузилма ва
тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш учун ташқи ёрдам
маблагларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4691-сон
қарори ижросини таъминлашни янада кучайтирилсин;

Инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини ошириш ва
ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, улардан

мақсадли фойдаланиш, ушбу мақсадларда манфаатдор давлат идоралари билан ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш кучайтирилсин.

3. Ушбу қарор ижроси назорати халқ депутатлари халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва ахолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия масалалари бўйича комиссияси ва туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташки савдо бўлими бошлиғи О.Камилов зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгashi раиси**

Ф.Абдуллаев





№ 62/10-й

20 20 yil " 11 " июня

**Эҳтиёжманд оилалар рўйхати (“темир дафтар”) асосида уларга
манзилли ёрдам кўрсатилиши ва аҳоли хусусан, хотин-қизлар ва
ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-Ф-сонли Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал ҳавф-хатарлар даврида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саҳоват, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатта олган ҳолда, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-куватлаш мақсадида туман Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими томонидан ШТАБ тузилган эди. Мазкур ШТАБ аъзолари ҳар бир секторга бириктирилиб, маҳаллалардаги оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамлар тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда <http://saxovat.argos.uz/> электрон манзилига киритиш бўйича сектор котиблари билан фаолият олиб бормоқдалар.

Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими ШТАБ аъзолари томонидан шакллантирилган рўйхатлар қайта таҳлил этилди ва 4508 нафар фуқаролар куйидаги йўналишларга бўлинди:

- кам таъминланганлар сони-35 та;
- Ижтимоий химояга муҳтожлар сони- 807 та;
- Ногиронлиги бўлган фуқаролар сони -1121 та;
- Якка ёлғизлар сони-236 та;
- Ишсизлар сони-189 та;
- Карантин сабабли доимий манбаидан маҳрум бўлганлар сон –2772 та.

Шунингдек, 2020 йилнинг май ойида ўрганилган 4508 нафар фуқароларнинг 4365 нафарига пластик карталар ва темир дафтарлар тарқатилди, пластик карталарга белгиланган миқдорда пул маблағлари тушурилди, 143 нафар фуқароларнинг пластик карталари турли сабабларга кўра рад этилиб, рўйхатдан чиқарилди.

4365 нафар фукаронинг пластик картасига жами 2182,5 млн. сўм маблағ тушурилди. Шунингдек, Учтепа туманидаги 945 нафар фуқарога Миллий банк Учтепа тумани филиали томонидан 2,5 млн сўм маблағ берилган. Уларнинг 13 нафар рўйхатга янги киритилган.

Туманда бугунги кунда жами 245 та оғир турмуш шароитида яшаётган оиласалар мавжуд бўлиб, ушбу оиласаларда яшовчи 74 нафар аёллар якка-ёлғиз ҳисобланади. Жорий йилнинг 3 ойи давомида Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш туман бўлими томонидан ушбу оиласаларнинг 137 тасига тиббий ёрдам кўрсатилган. Ушбу хонадонларда яшовчи хотин-қизларга пластик карталар очилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга мазкур хонадонларга пандемия пайтида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам бериб келинмоқда. Ушбу аёлларнинг 87 нафарини майший техникага муҳтоҷлиги аникланиб, йил якунига қадар эҳтиёжини қоплаш режалаштирилди.

Коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, кўп фарзандли оиласаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга кўмаклашиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгashi,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаеванинг “Эҳтиёжманд оиласалар рўйхати (“темир дафтар”) асосида уларга манзилли ёрдам кўрсатилиши ва аҳоли хусусан, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” ги ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги ишларни манзилли йўлга қўйиш мақсадида Учтепа тумани сектор раҳбарларининг ҳар бир маҳалла кесимида шакллантирилган (тоифаси бўйича) ишсиз, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва ногиронлиги бўлган аҳолининг янги рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими (З.Азимбаева) томонидан “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги олиб борилаётган ишлари янада кучайтирилсин.

4. Туман бандликка кўмаклашиш маркази (А.Камилов)га

Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларни қўллаб-кувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилсин;

Тумандаги аҳолини ишсиз қатламини аниклаб, маҳалла фукаролар йигинида ташкил қилинган жамоатчилик ишларига жалб қилинсин;

Жамоатчилик ишларига жалб қилинган ақолига иш ҳақлари вақтида молиялаштириб борилсин;

5. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгashi раиси

Ф.Абдуллаев

